# Аллома Ғафур Ғулом айтган экан: ТУҚҚАН ВАТАН ЭКАН — ЖАҲОНДА ГЎЗАЛ!

Ғафур Ғулом

## ҲАММА ЕРДАН СЕН ГЎЗАЛ

Жаҳонда нима кўп — гўзал жойлар кўп
Товуснинг паридай ранго-ранг, сулим
Ўшқириб оқувчи ажиб сойлар кўп,
Бир ёғи ўрмону бир ёқ учурум.

Талай ўлкаларни кездим дарбадар,
Елкада хуржину қўлимда таёқ.
Шундай заминлар бор, оддий қуми — зар,
Бу ерда уч ҳосил бераркан тупроқ.

Писта, арғувон кўп афғон ерида,
Ножу, арчаларга бурканган Ҳирот,
Бинафша дарахти ўру қирида,
Жўшқин ирмоқлари — бўй бермас бўз от.

Ажиб манзарага эга Карачи,
Денгиз соҳиллари кўз илғамас кенг
Бирор тепаликка чиқиб қара-чи,
Ер, денгиз осмон туташ, теппа-тенг.

Деҳлида кирмаган кўчам қолмади,
Ажойиб-ғаройиб ҳар бир қадамда.
Тиззамда, кўзимда куч ҳам қолмади,
Пайдарпай ҳайратлар чулғаган дамда.

Аграда учратдим киши ақлининг,
Такрор бўлмайдиган мўъжизасини.
Тожмаҳал ерида кўргандай бўлдим,
Гўзал Андижоним андозасини.

Қаерда бўлмадим!
Нилнинг бўйида
Абулҳавл олдида ҳайронликда мот.
Беш минг йил намоён киши ўйида,
Эҳромлар, эҳромлар, баҳайбат, ҳайҳот.

Румода муқаддас улуғ Петрнинг
Машҳур жомесини қилдим зиёрат.
Колизей майдони хотиралар-ла
Спартак қалбларга берди ҳарорат.

Эйфел миноридан Парижни кўрдим,
Зеҳн сиғдиролмас эди ҳуснини.
Бир муддат Болқонда тентираб юрдим,
Қадамлаб ўлчадим эни-бўйини.

Ер ўғли эдим мен, шунинг учун ҳам
Бир пайт сайёҳликни қасд қилиб олдим.
Кўра-кўра чарчаб, ҳафсалам совиб,
Ниҳоят, Ватанга қайтиб йўл олдим.

Ҳамма кўрганимдан яхлит хулоса:
Туққан Ватан экан — жаҳонда гўзал!
Ўз юртим ерида унган ҳар майса,
Бегона юртларнинг гулидан афзал.

Зумуррад ҳавонгни тўйганча ютдим,
Ажойиб Ватаним, жоним Фарғона,
Водил сувларида бетимни ювдим,
Эҳ-ҳе, қанчалик кенг бизнинг замона!

## ИККИ ШЕЪР

(Рафиқам Муҳаррамхонга атайман)

1. СОЧИНГ ОҚАРИБДИ

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,
Сочингда мунчалар оқ кўп, Муҳаррам?
Ишқингда кезганим тонготарларни
Ўриб олгандирсан, шу дарранг кўркам.

Қирқ йил қирғин бўлса, қопқа тубида,
Бахтинг қўриғида ўзим посбон.
Ўзим қулоғингга шивирлаганда,
Бағримга очилган бағрингдек жаҳон.

Ёдимда ўша кун, талпинган юрак,
Бузиб қочаларди кўкрак қафасин,
Агар сезмасайди туташганини
Сенинг нафасингга ўзин нафасин.

Менинг Муҳаррамим, шеърлар ёзиб,
Кўнглингни овламоқ ниятим эмас.
Сочинг юлуғидан тузоқ боғлабон,
Қалбим бедонасин овлагансан, бас!

Вафонинг оқ йўли шунча узунми,
Сочингда мунчалар оқ кўп, Муҳаррам?
Шарафлар қутбидек икки чаккангга
Бутун мазмунимни ҳадя қилсам ҳам.

* * *

Не хушдур йил бўйи кун ўрта пайти
Укроп, помидорли серпиёз шўрва.
Жонингга қуввату руҳингга дармон,
Янги картошкадан пишган қўғурма.

Ошқовоқ мантиси, карам дўлмаси,
Қатиғу саримсоқ билан лаззатли.
Қийма тўлдирилган болгар қалампир,
Димлама бақлажон каби иззатли.

Қуёш тиғ урганда, чинор тагида,
Эриган новвотдай бир коса қовун.
Танангни яйратиб, ҳордиқ чиқариб,
Меҳнаткаш вужуднинг ростлайди тобин.

* * *

Сиз эй, озода дўстлар, бу кўнгилни эҳтиром айланг,
Мабодо ваҳшликда шуҳрати, оҳиста ром айланг.
Ҳамиша масту бепарво лобар танти бошимдан
Риё базмида аммо берие андуҳу жом айланг.

Кесиб томирларимни дилдаги зарбим билан пайваст,
Мақоми келди денгу базмингизда «Шашмақом» айланг.
Эсиз жонимга жонингиз сабабдан етгани озор,
Мудом айланг, мудом айланг, мудом айланг, мудом айланг.

Қаро дилларни равшан қилғали найзам қалам бўлди,
Кўзингиз ҳуққасиндадир сиёҳим, интиқом айланг.
Агар виждон аро бир партаве тушса бу сатримдин,
Бу эски қулни тутдик денгу Ғафурни Ғулом айланг.

## МАВЛОНО ПАЙДОНИНГ КОНСУЛТАЦИЯЛАРИ

### ҚОФИЯВИЙ НИСБАТ

«Қофиявий нисбат» деб шуни айтамизки, қофиядош сўзлар бир-бирларига ҳарф ва ҳижо жиҳатидан эмас, балки характер ва нисбатга яқин бўлурлар. Чунончи: бу йўлда тегирмон билан ўрдакни қофия қилиш мумкин. Чунки иккови ҳам сувда юради. Ёхуд бузоқ билан табуреткани — чунки ҳар иккови ҳам тўрт оёқли. Африқо билан тандирни — чунки иккови ҳам иссиқ ва ҳоказо.

Мисол келтириб кўрайлик:

**Товуқлар қилурлар қақоғлаб тухум,**
**Ки андан ёзурман ушбу қоғоз.**

Яъни бу ерда қоғоз билан тухум оқ бўлганлиги учун қофиядошдирлар. Бу консултациямизга қаноат қилмаганлар 39 (3074) сонли «Ёш ленинчи» газетасида босилган ўрток Ориф Юнуснинг «Она» номли оқ шеърини ўқисалар бўлур.

**Шоир Мавлоно Пайдонинг ҳикматли сўзларидан:**

**Агар шоввага сув келмаса, тегирмон тақа-тақ тўхтайди.**
**Сувга тушган хўл бўлур,**
**Катта кўча йўл бўлур.**
**Соқов одам сўзламас,**
**Балиқ қумда сузолмас.**
**Хамак ўсиб қовун бўлур,**
**Мол ёғидан совун бўлур.**
**Қарздор бўлишдан, пулдор бўлиш яхшироқ.**
**Бўйра тўқилур,**
**Китоб ўқилур.**
**Яхши нарса, яхши бўлур.**
**Карнайчидан ошнанг бўлса, қулоғингга пахта тиқ.**
**Қовоқ дарахтда, ёнғоқ полизда ўсмас.**
**Олтмишга кирган бўлсанг, юз ёшингга қирқ йил бор.**

### ИККИ ДРАМАТУРГ УЧРАШГАНДА

— Хўш, йўл бўлсин. Мунча шошилавермасанг?

— Қўқон билан Наманган театрусига асаримни сотдим, энди Бухоро област районларига кетаётирман. Хўш, ўзингга йўл бўлсин? Асарингни бирор театруга ўтказолмадингми?

— Бир-иккита театруга олиб борган эдим, коллективдагиларга асарим ёқмади. Асарнинг номини ўзгартириб, Андижон томонга ўтсаммикан, деб турибман.

### БОТИРЛИК

Юқори маҳаллали активларимиздан ўрток Қўшқулоғов ўз шахсий ихтиёри билан Ўзбекистон Радио комитети адабий бўлими томонидан уюштирилган бир адабий монтажни охиригача эшитишга туриш берди.

### ИККИ БЎЛИНГАН «Қ» ҲАРФИ

Қичқириб турган хўрознинг бўйни шартта узилса, «қиқриқу»даги охирги «қ»нинг ярми бошида, ярми бўйнида эшитилади.

### ГЕОЛОГИЯ ЯНГИЛИГИ

Навоий кўчасининг қоқ ўртасидан бир метрча лой, тупроқ қазиб олингандан сўнг, тагидан асфалт чиқибди, запас катта, деб айтадилар.

### БАБ-БАРАВАР

Иккита маст бир-бирини «нодон-нодон» деб сўкиб муштлашмоқда эди. Хулиганликка қарши жазо қонунига мувофиқ бир йилдан кесилдилар. Дарҳақиқат, «нодон» сўзини иста чапдан ўнгга, иста ўнгдан чапга ўқи. Баб-баравар.

### АФАНДИНИНГ МУЛЗАМ БЎЛИШИ

Афанди райпишчеторгнинг Маҳкамадаги ошхонасига кириб шўрва олибди. Шўрвага қошиқ солса ичидан битта эски сочиқ чиқибди. Ғазабланган Афанди шефповарни чақириб:

— Бу нима деган гап, шўрвангизнинг ичидан эски латта чиқса? — деб гап бошлаган экан, повар уни тўхтатиб:

— Нима демоқчи бўласиз, ўрток Афанди, — дебди, —олганингиз 3 сўмли шўрва-ю сизга энди латта чиқмай бир атрез бахмал чиқармиди! Баъзи одамлар тоза ҳам хулосахўр бўлиб кетган-да...

Бу гапдан сўнг Афанди чурқ этолмай мулзам бўлиб чиқиб кетибди.

### ТЎТИ БИЛАН ШОИР

Бўлмағур бир поэмасини дўстига ўқиб бераётган шоирни кўрган тўти заҳарханда билан:

— Валақлашга-ку валақлайди-я барибир учолмайди, — дебдида, ўзи учиб кетибди.

### ИККИ МАСТ ЎРТАСИДА

— Бугунги ичганимни ҳўкиз ичса, қорни ёрилар эди.

— Ҳафа бўлма, ҳўкиз ичмасдан ҳам тўрт оёқлаб юради.

### ЎЗ-ЎЗИЧА

Қочган қуённинг орқасидан қувлаб етолмагани учун овчи ўз итидан койинганда, ит:

— Нафс учун қувлаш билан ҳаёт учун қочишнинг ўртасида етиб бўлмас узоқлик бор, — деб жавоб берган экан.

### ОРЗУСИГА ЕТАДИГАН БЎЛДИ

Қудратиллахўжа деган бир киши: «Қўлимга мўмайроқ пул тушса, иккита олти газли гилам, битта галанский сигир, битта яхши радио, ўзимга шевиётдан костюм, хотинимга марварид олиб берар эдим», деб орзу қилар эди. Яқинда шу одам бир американкага мудир бўлди, демак, орзусига етади.

### ТАРИХИЙ ПАРЧАЛАР

Пашша талаб ўтирган бир гадойдан, Искандар:

— Сўра сўраганингни! — деса, гадой:

— Қўлингдан келса пашшаларга буюр, мени чақмасинлар, — деган экан.

* * *

Маъдалихон бир шоирга шаҳардаги аҳмоқларни рўйхат қилишни буюрибди. Шоир ҳам рўйхатнинг бошига биринчи қилиб «Маъдалихон Умархон ўғли» деб ёзибди. Иккинчи қилиб ўзини ёзибди. Буни кўрган Маъдалихон ғазаб билан сабабини сўраганда:

— Сиз бош аҳмоқ бўлмасангиз, шу ишни буюрмас эдингиз, мен аҳмоқ бўлмасам, шу ишни бошламас эдим, — дебди.

* * *

Тошкент ҳокими генерал Апрелов: «Мен кўчага чиққанда, фуқаро юзини деворга ўгириб, кўзини юмиб турсин, шу иш менга таъзим билан баробар», деб буйруқ чиқарган эди, сабабини сўрабдилар:

— Чунки мен кўпинча ичиб файтонда қайт қилиб ўтираман, — деб жавоб берибди.



СУРАТДА: Ғафур Ғулом, қизи Олмос ва атоқли адиб Константин Симонов 1956 йил ўрталари. Сурат «МТ»да илк бор эълон қилинмоқда.

ОЛМОС

# ОТА ҲУҚУҚИ БИЛАН

Эрталаб сочимни ювиб фенда (қуритгич) қуритиб ўтирсам, тўрт яшар набирам Шоҳруҳ ётоғимга кириб қолди.

Саломлашдик, сочимни аввал силади, ушлаб кўрди (ойнадан кўриб турибман) сўнг учидан бошимгача ўпиб чиқди.

Менинг юрагим алланечук увишиб кетди... Йиғлаб юбормай деб, ўзимни зўрға тутиб ундан сўрадим:

— Сочим ёқадими?

— Ҳа.

— Иси (у ҳидларга ўзимга ўхшаб сезгир) яхшими?

— Жуда, — деди чўзиб.

— Сен соч яхши кўрасанми?

«Ҳа» ишорасини қилди.

— Унда сени сочи узун қизга уйлантирамиз.

— Мен ўйналганман-ку.

— А... у ким?

— Зумят...

— Зумрат опанг-ку.

— Бўлмаса Суяйё.

— Сурайё ҳам опанг, амакингни қизи.

— Бўлмаса Комилага (аммасини қизчаси) ўйналайми, у ҳали кичкина-ку, ўйнашни билмайди-ку, — деди.

Шоҳруҳ ўйнаб юриш билан уйланишни фарқига ҳам бормас эди.

— Йўқ, сен катта дадангдек бўласан, ўшанда аянгдек чиройли сочи узун келин олиб бераман деяпман, хўпми — десам, гапни таги тугига ҳам етмай «ҳа» ишорасини қилиб, югуриб хонадан чиқиб кетди...

Аёллар сочини дадам яхши кўрар эдилар, умр йўлдошим ҳам набирамдек силаб қўяр эдилар, ўғил-қизларим ҳам сочимни яхши кўришди.

Насл сурибми, чеҳраси дадамга ўхшаб кетадиган набирам Шоҳруҳ ҳам соч яхши кўрар экан...

Таажжуб қиламан.

Бу бўлиб ўтган воқеа ёшлигим, болалигимни эслатди... Болалигимдан мени сочим муаммо бўлар эди. Уни ювиш, ўриш аям учун қийин бўлган, аввал янги ўсиб келаётганида ҳеч текис ётмас эди, кўплигидан тароқ ўтмас эди.

Аям зўрға уни пиликлар солиб, жамалак қилиб, ўримга киргизганлар. Сўнг остун-устун, 40 кокил бўлсин деб, жанжал қилардим. Майда ўрилган сочимни ечилиб кетмасин деб, учини қора ипак билан чатиб ёки пилик солиб қўяр эдилар.

Уйимизда ўғил болалар ичида ўсганим учунми тўполончи эдим, югуриб ўйнаганларимда сочим ечилиб юзим билан битта бўлиб кетарди. Акаларим «окала-окала» деб масхара қилишарди.

Сочим тўзиб кетганида дадам, «ёмон отга ёл битар» деб кулар эдилар.

Сочимни ҳеч эплай олмас эдим. Сочимни ювишни ўзи ҳар гал бир мушкул иш бўлар эди.

Ҳали кичкина қиз бўлганимда соч ювишимда дадам ҳам иштирок этар эдилар.

Мени кичкина курсига турғизишар, дадам бошимдан сув қуйиб турар, аям совун, қатиқ, ўсмалар билан ювар эдилар. Менга қолса, аямлар мени сочимни юлиш учун бошимни ювсалар керак деб ўйлардим-да, «оғриди» деб йиғлардим, шунда дадам асабийлашиб:

— Муҳаррамхон, сал секинроқ тараng, оғритяпсиз, сочи юлиняпти, — дердилар.

Менга жон кириб, баттар ўжарлик қилар эдим, сўнг аям асабийлашиб:

— Ўзингиз қаранг, чигаллигини, қийиқлигидан сочига тугун тушади-я, битта тешикдан ўнта соч чиққанми, тароқ ўтмаяпти-ку, — дердилар сочимни баттар тортиб, тараб...

Мен увиллаб йиғлайман, дадам асабийлашиб, чапиштирилган сув қолиб, адашиб бошимдан иссиғини қуйиб юборардилар, ана ундан сўнг йиғлашни кўринг, аям сочимни юлиб, юлиб тарайдилар, дод-дод билан бир амаллаб бошимни ювиб олишади.

У соч катта сочиқларга, чойшабларга ўраб бир кун қуритилар эди.

Аям билан дадам ўша куни чарчаб, анча вақт дам олишар эди.

Шу сабаб бошим бир ҳафтада бир марта дам олиш куни ювилар эди. Ундан кўпига аям-дадамларни асаблари чидамас, мени эса мажбур қилиб бўлмасди.

Хайрият, анча катта қиз бўлиб, сочимни аям иккаламиз ювадиган бўлдик. Аям:

— Катта бўлиб қолдинг, энди сочингни юваётганда «дада» деб йиғлама, уят бўлади, — дедилар...

Дадам қаерга борсалар сочимга хил-хил ленталар олиб келар эдилар. Аям сочимни чиройли қилиб, ўриб ўша ленталарни иккита лоладек қилиб чаккамга боғлаб қўяр эдилар.

Ҳамма ўртоқларимни сочимни ўрилганига ҳаваслари келар, лекин уни ювиш, ўриш азобларини улар билишмасди-да.

Мактабда ўқиб юрганимда мен шеърларни чиройли ўқирдим шекилли, мажлислар, ҳар хил слётлар, съездларда менга шеър ўқиттиришар эди.

Ўшандай мажлисларга мени опаларим олиб бориб, уйга қайтариб олиб келиб қўйишар эди.

Шунда ҳам сочим муаммо бўлар, аям уни чиройли қилиб ўриб қўймагунларича улар кутиб ўтиришар эди.

Томошабинлар, мажлис қатнашчилари учун Ғафур Ғуломнинг шеърини унинг қизи ўқиши бир бошқача завқ берса керак-ки улар мени олиб боришдан, сочим ўрилгунча кутишдан зерикмас эдилар...

Университетда ўқий бошлаганимда кўпгина дугоналарим сочларини янгича русумда чиройли қилиб қирқишиб причёскалар қилишадиган бўлишди.

Мени ҳам уларга ҳавасим келарди, «модный» бўлгим келарди, узун сочимни турмаклаб ҳам бўлмасди, оғирлигидан бошим орқамга осилиб қолгандек бўларди.

Сочимни ювиб қуритишга кўп вақт кетишини, баъзан ювганимда бошим оғриб қолишини, қийналишимни важ қилиб, дадамларга:

— Дада, мен ҳам сочимни қирқай — десам.

— Мош, энди катта бўлдинг, студентсан, мени «Момои гису набурида» мақоламни ўқигин ва ўзинг хулоса чиқариб, бу ҳақда бошқа гапирма, — дедилар.

Университетни битириш арафасида 1 май байрами куни эди. Курсдошларимиз билан «тоққа, лола сайлига» Ғишт кўприк атрофига бир автобус бўлиб бориб, дам оладиган бўлдик.

Кечқурун сочимни ювган эдим, кечаси билан қуриди, эрталаб ваннахонадаги ойнага қараб, уни тараяпсам, пешонамдаги майда сочлар кўпайиб, ўримга кирмай, ҳар томонга шох бўлиб чиқиб кетаверди. Кўзгу тагида қайчини кўриб, текислай дедим-да, қирқа бошладим. Қирқиб-қирқиб «чёлка» қилиб қўйибман, жингалак қилиб тарасам ярашгандек бўлди.

Мени курсдошларим кутишаётган эди, кечикаётган эдим. Кетаётганимни аямга айтдиму дадам параддан қайтмаган эдилар, келишларини кутмай кетавердим.

Аям, Олия опа (энага) байрам дастурхони билан банд, мени сочимга қарашга вақтлари йўқ эди.

Сайилга бордик, кечгача қизлар росса ўйнадик, тоғдан тоққа югурдик, бир-биримиз билан «муҳаббат» ҳақида мазза қилиб ёнбошлашиб гапиришдик. Курсимиздаги йигитлар кабоб, ош қилиб, бизга ўз «санъат»ларини кўрсатишди. Соат 4 ларда уйга қайтдик.

Эшикдан кирсам дадам гилос тагидаги сўри ёнига қўйилган стол атрофида яхши кўрган креслоларида ўтириб, чой ичиб газеталарни варақлар эдилар.

Мен салом бердим, байрам билан табриклаб, орқаларидан ачомлаб, юзларидан ўпмоқчи эдим, қўллари билан тўсдилар.

Ҳеч бундай қилмас, ҳар доим мендан олдин қаерларидан ўпишим кераклигини кўрсатгич бармоқлари билан кўрсатадиган дадам шундай қилганларига ҳайрон эдим.

Нима «гуноҳ» қилдим экан, билмайман, дадамни келишларини кутмай кетганимгамикин дейман, оқшом рухсат сўраган эдим-ку, эрталаб уйда йўқ эдилар-у, аямга айтган бўлсам — дейман.

Дадамни у ёқларидан, бу ёқларидан ўтаман, ҳеч гапирмайдилар.

Охири юрагим сиқилиб «уҳ» тортиб юборсам,

— Чойингни ич, — дедилар.

Мен гапирдилар дедиму, сўрамасалар ҳам булбули гўё бўлиб, сайилдаги бўлган воқеаларни ҳаракатлар билан айтиб бердим.

Ҳар доим курсимизда бўлган воқеаларни қизиқ-қизиқ қилиб айтганимда.

— У нима деди, сен-чи, — деб қизиқиб сўрайдиган дадам индамай газетага қараб, ўқимай ҳам ўтирар эдилар.

Мен билан гапиришгилари, мени кўргилари келмаётганини сезиб турар эдим.

Шундай қилганларида мендан чой ўтармиди.

Мени энг ёмон кўрган ишим бировни мендан аразлаши, мендан хафа бўлиши эди. Мен ўзим бир нарсадан, гапдан хафа бўлсам, узоқ хафа бўлиб, кўнглимга ғаразликлар тугиб юролмаслигимни дадам яхши билар эдилар. Бирон нарсадан биров норози бўлса, тўғри юзига бор гапни айтиб, орани очиқ қилиб аниқлик киргизилишини хуш кўрардим.

Мен нима қиларимни, нима деяримни билмайман, дадамни ҳеч, ҳеч ранжитгим, хафа қилишни хоҳламайман-ку нимаббало қилдим экан, дейман.

«Дадажон, газеталарда шеърингиз чиқибди, ўқиб берай» — дейман, индамайдилар.

«Оёғингизни ювиб қўяй (мен оёқларини ювишимни яхши кўрардилар), тирноқларингизни тозалаб, маникюр қилиб қўяй» (бу ишни ҳам яхши кўриб фақат менга ишониб қилдирардилар) дейман, индамайдилар.

Мени юрагим сиқилиб, йиғлаб юборай деганимни билдиларми: — Сочингни қирқдингми? — дедилар ҳеч гап бўлмагандек овозда.

Мен ҳам чёлкам (гажжагим) дадамга ёқди шекилли деб.

— Ҳа, озгина олдини, ярашибдими? — дедим.

Дадам ғижиниб кетдилару индамай ўзларини босиб ён чўнтакларидан бир нарсани олдилар, у оппоқ хитой қоғоз эди. Аста оча бошладилар (мен ўйлайман, оббо, яна менга келган бирор муҳаббатномамикин, бирор беҳаё шеърлармикин), унга эрталаб мен қиймалаб ташлаган ва шошилиб йиғиб кетмаган сочларим саранжомлаб йиғиб ўралган эди. Кайфим учиб кетди, билмайман қай аҳволда эдим, кўзим тўрт бурчак бўлиб жингалак қилган чёлкам тўғри бўлиб осилиб қолгандек бўлди. Жазони кутардим...

— Сенга соч керакмасми? Бу сочларингни ўстиргунча, ўримга киргизгунча онанг иккаламиз нималар қилмадик? Қирқишдан илгари шуларни ўйласанг бўлмасмиди? Чиройлигини қара...

Ростдан ҳам, оппоқ хитой қоғозда кесилган сочларим қоп-қора бўлиб химралиб учқунланиб ётарди.

Қани шу сочларимдан, шу топда бир арқон бўлсаю ўзимни оссам-у дадамни олдиларидаги хижолатдан қутулсам, дадамни мендан хафа бўлганларини кўрмасам. Нима қилсамки, нима десамки, дадамни бироз юпатиш йўлини излайман.

— Дадажон, сочим тез ўсади-ю яқинда қирққаним билинмай кетади, хафа бўлманг, — дейман...

Дадам бўлсалар хитой қоғоздаги сочларимни лабларига теккизиб, қайта ўраб кўкрак чўнтакларига солиб қўйдилар.

Мени этим жимирлаб бутун дадамни аямларга ёзган шеърларидаги «сочинг юлуғидан тузоқ боғлабон», менга аталган «қизимнинг қаро сочларига бўлсин деб шона» деган ажойиб мисралар бекорга ёзилмаган экан. Дадам сочларимизни шунчалик яхши кўрар эканлар, деган фикр хаёлимдан зумдек ўтди.

Дадам бироз сукутдан сўнг:

— «Момои гису набурида»ни ўқиганмисан? — дедилар.

Мен ердан кўзимни узмай «ҳа» ишорасини қилдим.

— Илоё ҳеч аёлларни сочи ўшандақа қирқилмасин, — дедилар.

Қани эди... қани эди, ўша вақт қайтиб келса-ю мен дадамни ҳеч-ҳеч хафа қилмаган бўлсам эди...

Сочимни яна бир марта дадам вафот қилганларида ёйиб мотам тутганимда, кўнглим каби ёзилмас чигал бўлиб кетганида, ярмидан қирқиб ташлаганман...

**ҒАФУР ҒУЛОМГА БАҒИШЛАНГАН САҲИФА**
**УСТОЗ ВАҲОБ РЎЗИМАТОВ КЎМАГИДА ТАЙЁРЛАНДИ**

